

576 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: إِنِّي مَجْهُودٌ، فَأَرْسَلْتُ إِلَى بَعْضِ نِسَائِهِ، فَقَالَتْ: وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ؛ مَا عِنْدِي إِلَّا مَاءٌ، ثُمَّ أَرْسَلْتُ إِلَى أُخْرَى، فَقَالَتْ مِثْلَ ذَلِكَ، حَتَّى قُتِلْنَ كُلُّهُنَّ مِثْلَ ذَلِكَ: لَا وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ؛ مَا عِنْدِي إِلَّا مَاءٌ، فَقَالَ: «مَنْ يُضِيفُ هَذَا اللَّيْلَةَ؟» فَقَالَ رَجُلٌ مِنَ الْأَنْصَارِ: أَنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَأَنْطَلَقَ بِهِ إِلَى رَحْلِهِ، فَقَالَ لَامْرَأَتِهِ: أَكْرَمِي ضَيْفَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

وَفِي رِوَايَةٍ: قَالَ لَامْرَأَتِهِ: هَلْ عِنْدَكَ شَيْءٌ؟ قَالَتْ: لَا، إِلَّا قُوتَ صَبْيَانِي، قَالَ: عَلَّيْهِمْ بِشَيْءٍ، وَإِذَا أَرَادُوا الْعِشَاءَ، فَتَوَمَّيْهِمْ، وَإِذَا دَخَلَ ضَيْفُنَا، فَأَطْفِئِي السِّرَاحَ، وَأَرِيهِ أَنَا نَأْكُلُ، فَتَعَدُّوا وَأَكَلِ الضَّيْفُ، وَبَاتَا طَاوِئِينَ، فَلَمَّا أَصْبَحَ غَدَا عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «لَقَدْ عَجَبَ اللَّهُ مِنْ صَنِيعِكُمَا بِضَيْفِكُمَا اللَّيْلَةَ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 3798، م 2054].

576. Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, «Мен қийналиб қолдим», деди. У зот аёлларидан бирига одам юбордилар. У: «Сизни ҳақ ила юборган Зотга қасамки, ҳузуримда сувдан бошқа ҳеч нарса йўқ» деди. Сўнг бошқасига одам юбордилар, у ҳам худди шундай деди. Хуллас, ҳаммалари ҳам худди шундай «Йўқ, сизни ҳақ ила юборган Зотга қасам, ҳузуримда сувдан бошқа ҳеч нарса йўқ», дейишди. У зот: «**Ким буни шу кеча меҳмон қилади?**» дедилар. Шунда ансорлардан бири: «Мен, эй Аллоҳнинг Расули!» деди ва уни уйига олиб кетди. Бориб, аёлига: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам меҳмонларини ҳурмат қил», деди.

Бошқа ривоятда у хотинига:

«Бирон нарсанг борми?», деди. У: «Болаларимнинг емишидан бошқа ҳеч нарса йўқ», деди. У: «Уларни бирон нарса билан чалғитгин-да, агар кечки овқатни хоҳлашса, ухлатиб қўй. Меҳмонимиз уйга кирганида чироқни ўчириб қўй. Меҳмонга биз ҳам еётгандек бўлиб кўринайлик», деди. Улар овқатга ўлтиришди. Меҳмон овқат еди. Икковлари оч ҳолда ётишди. Тонг отгач, у Набий соллалоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борди. У зот: **«Аллоҳ сизларнинг бу кеча меҳмонга қилган илтифотингиздан хушнуд бўлди»**, дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Егингиз келиб турган ошни ўзингиздан-да муҳтожроққа берсангиз, ошни егандаги лаззатдан кўра кўпроқ лаззатни туясиз. Бунинг устига яна савоб ҳам оласиз.

Бунинг номини ийсор дейилади. Ийсор — бошқани ўзидан устун қўйиб, ўзи истаб турган нарсани унга беришдир.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда ансор саҳобаларни мақтаб шундай деган:

«У(муҳожир)лардан аввал бу жойда яшаган ва иймонга (ихлос қилганлар). Ўзларига ҳижрат қилиб келганларни севадирлар ва у(муҳожир)ларга берилган нарсаларга қалбларида ҳасад қилмаслар. Ва гар ўзларининг ҳожатлари бўлса ҳам, (уларни) ўзларидан устун кўярлар. Ким ўз нафсининг бахиллигидан сақланса, ундоқ кишилар, ҳа, ўшалар ютувчилардир». (Ҳашр сураси, 9-оят).

Мадиналик мусулмонлар Пайғамбар алайҳиссаломга ва муҳожирларга ёрдам берганлари учун «Ансорлар» деб номланганлар. Ушбу оят ансорларнинг инсоният тарихида мисли кўрилмаган саховатларию одамгарчиликларини васф қилмоқда.

Ҳа, бу қўли очикликнинг энг юқори кўринишидир. Мадиналик саҳобалар ана шу мақомга сазовор бўлган эдилар.

Инфоқ-эҳсон қилишнинг турлари кўп.

Саховат — ўзида кўпроғини қолдириб, озроғини инфоқ қилишдир.

Жувд — ўзида озроғини қолдириб, кўпроғини инфоқ қилишдир.

Ийсор эса — ўзида қолдирмай, борини инфоқ қилишдир.

Аллоҳ таоло бизларни ҳам ийсор мақомига эриштирасин!

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI